

## ЎЗБЕК ЗАМОНАВИЙ МОРФОЛОГИЯСИДА СЎЗ ТУРКУМЛАРИ ТАСНИФИНING ТАКОМИЛЛАШИШИ

Галиевич Фазлиддин Шарипов

Гулистон давлат университети доценти

[fazliddindpr@mail.ru](mailto:fazliddindpr@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада антик даврдан то ҳозирги кунга қадар сўз туркумлари юзасида турли хил қарашлар таҳлилга тортилган. Жумладан, Аристотель асарларида, Александр мактаби вакилларининг қарашлари ҳамда рус тилшунслари М.В.Ломоносов, Ф.И.Буслаев, Л.Л.Буланин қарашлари, ўзбек тилининг илмий назариясига асос солган мутафаккирларимиз Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоийнинг илмий хулосаларга ҳам тўхталган.

Ўзбек илмий тилшунослигига асос солган жадиждаримизда Абдурауф Фитрат томонидан қолдирган меъроси, кейинги йилларда самарали ижод қилган тилшуносларимиз С.Муталлибов, Ғози Олим Юнусов, М.Шамсиев, А.Щербек, Х.Қаюмий, С.Долимов, О.Усмон, Б.Азизов ҳамда Е.Д.Поливановларнинг сўз туркумлари бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари бугунги замонавий тилшуносликнинг асоси бўлиб хизмат қилаётганлигига шохид бўламиз. Бироқ келажак авлодга ўзбек замонавий тилшунослигини ўзгача тарзда талқин қилиш масаласига ойдинлик киритиш ҳамда систем-структур тилшуносликни мукамал ўрганиш мақсадида У.Турсунов Ж.Мухторов. Ш.Раҳматуллаев, Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова, А.Хожиев, И.Расулов, Х.Дониёров, А.Содиқов, А.Абдуазизов, М.Ирискулов, Х.Абдурахмонов, А.Рафиев, Д.Шодмонқулов ҳамда Ё.Тожиев каби олимларнинг илмий асарларини ўрганмай туриб бу босқичга қадам қўйиш тўғри эмас деб ўйлаймиз.

**Калит сўзлар:** сўз туркуми, семантик, морфологик, синтактик, мустақил, ёрдамчи, алоҳида олинган сўзлар.

## IMPROVING THE CLASSIFICATION OF WORD GROUPS IN MODERN UZBEK MORPHOLOGY

### ABSTRACT

The article analyzes various views on word groups starting from ancient times and up to the present day. In particular, the views in the writings of Aristotle, the views of the school of Alexander, as well as the views of such Russian linguists as M.V. Lomonosov, F.I. Buslaev, L.L. Bulanin, the scientific conclusions of our thinkers Mahmud Kashgari, Alisher Navoi, who founded the scientific theory of the Uzbek language.

The heritage of Abdurauf Fitrat, one of the founders of Uzbek scientific linguistics, and our linguists S. Mutallibov, Gazi Olim Yunusov, M. Shamsiev, A. Shcherbek, H. Kayumi, S. Dolimov, O. Usmon, B. Azizov and E.D. Polivanov, obviously, today constitute the basis of modern linguistics. But we consider it wrong to enter a new stage of linguistic research to clarify for the future generation the problem of a unique interpretation of modern Uzbek linguistics and the study of systemic-structural linguistics, without analyzing the scientific works of such scientists as U. Tursunov, J. Mukhtorov, Sh. Rakhmatullaev, Sh. Shoabdurakhmonov, M. Askarova, A. Khodzhiev, I. Rasulov, H. Doniyorov, A. Sodikov, A. Abduazizov, M. Iriskulov, H. Abdurakhmonov, A. Rafiev, D. Shodmonkulov and Y. Tozhiev.

**Keywords:** a group of words, semantic, morphological, syntactic, independent, auxiliary, individual words.

### КИРИШ

Антик даврининг буюк олими Аристотелнинг «Поэтика» (Поэзия санъати ҳақида)[2.Б.39-47] асарида морфологияга оид илк намуналар кузатилади. Асарнинг «Тил ва фикр» (XIX фасл), «Нутқ бўлаклари» (XX фасл), «Отларнинг турлари» (XXI) каби фасллари бевосита морфологияга оид қарашларни ўз ичига олади. Яна шуни ҳам қайд этиш лозимки, эрамиздан олдинги 170-90 йилларда Александр мактаби вакилларида бўлмиш Дионисий Фракийский қадимги грек тили учун саккизта сўз туркумини (от, феъл, сифатдош, артикль, олмош, кўмакчи, равиш, боғловчи) ажратиш таҳлил қилган. Олимнинг сўз туркумлари ажратиш бўйича қарашлари ўзининг аниқлиги билан ажралиб туради: «От турланувчи сўз туркуми бўлиб, тана ёки нарса (тело-например, камень; вещь-например, воспитание) ва умумий ҳамда

хусусийнинг ифодасидир: умумий, масалан, одам, хусусий – масалан, Сократ»[11.Б.8] 8 та сўз туркумини қайд этиш XVI-XVII асрларда кузатилади (славян тилларида). Бу М.В.Ломоносовнинг машҳур «Российская грамматика»сига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Кейинроқ сифатдош сифат туркуми билан алмаштирилган (Востоков), ундан кейин эса Р.П.Павский ҳамда Ф.И.Буслаев бу қаторга *сон* туркумини алоҳида киритадилар, XX асрда рус тилшунослигида сўз туркумлари қаторида *юкламалар* ҳам мустаҳкам ўрин эгаллаб, бу тизим 10 та туркумдан иборат тарзида қатъийлашди[3.Б.8]. Л.Л.Буланин сўз туркумларини ажратиш учун меъзонларни (критерия) белгилашда маълум таҳлиллардан сўнг (морфологик ва синтактик биргаликда) семантик ва грамматик асосни қайд этади[3.Б.8-22]. Бунда сўз туркуми маъноси турли хил олимлар томонидан турлича терминлар билан белгиланганлиги қайд этилиб («асосий маъно» – А.М.Земский; «умумий, мавҳум маъно» – А.И.Смарницкий; «умумлаштирилган маъно» – ҳозирги замон рус тили, 1964; «умумлашган – мавҳумлашган маъно» – А.В.Дудников; «лексик-грамматик маъно» – Н.С.Валгина; «категориал маъно» – грамматика – 1970; «таснифловчи маъно» – А.Н.Тихонов; «грамматик маъно» – А.Н.Гвоздев, Стеблин – Каменский) келинганлиги, лекин булардан ходиса моҳиятига кўпроқ «лексик маъно» термини танланиши ўз исботини топди. Шунингдек, таснифлашда морфологик ва синтактик меъзонлар бирлаштирилгани ҳолда грамматик асос сифатида қайд этилиши ҳам тўғридир.

Умуман олганда сўз туркумларига жаҳондаги барча тилларда турлича муносабатда бўлганлиги ҳамда тилшунос олимлар ўзларнинг илмий қарашларини баён қилганлигига қисман гувоҳ бўлдик. Мақола давомида туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам сўз туркумларига бўлган илмий хусосалардан баҳраманд бўламиз.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек замонавий морфологиясида сўз туркумлари таснифининг такомиллашиши билан боғлиқ илмий асарлар таҳлил этилган. Ҳамда мақолада ўзбек тилшунос олимларининг илмий тадқиқотларидан, яъни сўз туркумлари билан боғлиқ мунозарали масалаларга ойдинлик киритганлиги тўғрисидаги маълумотлар ўрин эгаллаган. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий ва функционал

таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

## НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Туркий тилшуносликда морфологияга оид қарашлар араб тилшунослиги таъсирида IX-XI асрларда шакллана бошлаган. М.Қошғарий ўзининг «Девону луғотит турк»[8.Б.41-71] асарининг катта қисмини «Сўз ясалиши» ва «Морфология»га бағишланган. Асарнинг 2-жилди асосан олимнинг морфологияга оид қарашларини ўзида акс эттирган. Аввало, олим сўзларни учта туркумга ажратади ва булар ичида феъл ва феъл шакллари бўйича ўз қарашларини билдириб ўтади. Профессор А.Нурмонов таъкидлаганидек, «М.Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари X-XI аср туркий тиллар морфологияси ҳақида тўла тасаввур берувчи қомусий асардир»[9.Б.48]. Олим асарда феъл замон шакллари, масдар (ҳаракат номи), феъл майллари, сон шаклининг ифодаланиши, ҳурмат шакли, бўлишли-бўлишсизлик, нисбат шакллари ҳақидаги ўз қарашларини баён қилади. Туркий тилшуносликда муаллифи номаълум бўлган ва ёзилган ўрни мунозарали ҳолда турган «Ат-тухфатуз закияту филлуғотит туркия»[22.Б.3-450] асарининг луғатдан кейин берилган грамматика қисми икки жihatдан аҳамиятли хисобланади:

1) асарни туркий тилларнинг илк грамматикаси дейиш мумкин;  
2) солиштирма (чоғиштирма) грамматиканинг илк намунаси дейиш мумкин (А.Нурмонов). Китобнинг 29-89-бетлари лексик-грамматик очерк тарзида берилган бўлиб, асосий грамматикага оид маълумотлар шу қисмдадир.

С.Муталлибов томонидан «Ат-тухфа» («Ноёб тухфа») асари ўзбек тилида 1968 йилда нашр қилинди. Шундан сўнг Э.Фозилов ва М.Зияева томонидан биринчи марта рус тилига таржима қилинди ва қисман шарҳланди. Асарда қипчоқ тили материаллари изоҳлангани айтиб ўтилган. Қипчоқ тили морфологияси ва синтаксиси 64 бобдан иборат грамматика қисмида тавсифланади. Муаллиф туркий тилдаги деярли барча грамматик категория ва шаклларни араб тилшунослиги атамалари воситасида изоҳланганлиги кузатилади[20.Б.61-63].

Туркий тил (эски ўзбек адабий тили)нинг морфологиясига оид айрим қарашлар Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асирида учрайди[1.Б.116-117]. Албатта, Навоий туркий тил морфологияси бўйича махсус асар ёзган эмас. Муаллиф туркий тилларга хос отлар ва феълларнинг баъзи морфологик

жиҳатларини қайд этиш билан чекланган. Унинг тилшунос сифатидаги фаолияти ўрганилган махсус ишда мазкур соҳага оид қарашлари имкон даражасида ёритилганлиги маълум[4.Б.14-41].

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Марказий Осиёнинг маҳаллий аҳолисини тутқунликда сақлаш, улар билан мулоқотда бўлиш мақсадида рус мулкдорларида ўзбек тилини (туркий тилларни) билиш эҳтиёжи туғилди. Шу эҳтиёж туфайли улар (туркий тиллар) грамматикани ўрганишга киришди ва баъзи амалий аҳамиятга эга бўлган грамматикалар яратилди. Бунга М.А.Терентьев, И.А.Беляев ва бошқаларни киритиш мумкин[12.Б.1-4]. Бироқ бу асарларда илмий морфологиянинг шаклланишини таъминлайдиган даражада маълумотлар етарли эмас. Бу давр тилшунослигида (XX аср бошлари) Самарқанд тилшунослик мактабининг шаклланишида хизмати катта бўлган Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат илмий морфология, шунингдек, илмий синтаксиснинг пойдеворини шаклланишидаги дастлабки қадамни қўйди. «Ўзбек тили грамматикаси» («Сарф ва Наҳв») китобининг «Сарф» қисмида илмий морфологиянинг намуналарини келтирди ва бу билан маълум даражада ўзбек илмий грамматикасини яратишни бошлаб берди. Олим морфология ва синтаксиснинг ўзаро боғланганлигини кўрсатиб, шу икки бўлим грамматикани ташкил этишини асослаб берди.

Олимларимиз Б.Тўйчибоев, М.Қурбоновалар томонидан Фитратнинг тилшунос сифатидаги фаолияти, грамматикага, жумладан, морфологияга оид қарашлари жиддий тадқиқ этилган[6.Б.4-41;7.Б.3-28;15.Б.24-26]. Шу билан бирга А.Нурмонов ва Н.Маҳмудовларнинг «Ўзбек тилшунослиги тарихи» дарслигида Фитратнинг морфологик қарашларига алоҳида эътибор қаратилган[19.Б.148-159].

Бундан ташқари, XX асрнинг 20-йиллари ўзбек тилшунослигининг морфология тизими ўрганилиши тарихи махсус тадқиқот объекти бўлган. Бу ишда Мунавварқори, Қаяом Рамазон, Шорасул Зуннунлар томонидан ёзилган «Ўзбекча тил сабоқлиги» ва қўлланмалар, шунингдек, Фитратнинг «Сарф» асари имкон даражасида таҳлил қилинган ҳамда ана шу давр тилшунослиги ҳолати бўйича 13 пунктдан иборат хулоса берилган. Ана шу хулосалардан бирини келтириш орқали ўзбек тили морфологик тизимининг ўрганилиш ҳолати ҳақида мантиқий умумлашма чиқариш мумкин. «Ўзбек тили морфологик қурилиши акс этган бу даврдаги асарлар турли савияда

яратилган. «Битам йўллари», Элбекнинг «Ёзув йўллари» асарлари дастурий маълумот йўсинида Қ.Рамазон, Ш.Зуннун асарлари мактаб, курс дарслиги билимлари сифатида ва Фитрат асарлари илмий асар сифатида ёритилган». Шу тарзда бешинчи ва олтинчи хулосалардаги фикрларни ҳам келтирсак, ҳолат ойдинлашади: «20-йилларда чинакам ўзбек тилининг илмий грамматикаси, ваҳоланки, Фитратнинг асари ҳам бу йўлдаги «тажриба»дир, холос». Сўз туркумларини фарқлашнинг назарий қоидалари бўлмаганлиги боис, 4 тадан 7 тагача сўз туркуми фарқланган. Сўз ва аффикс (қўшимча) маънолари англашилган бўлса-да, аффиксларни сўз деб қараш анъанасидан борилган, натижада «белгилар» термини остида барча аффикслар алоҳида сўз туркуми сифатида ажратилган». Асрнинг бошларида «Девони луғатит турк», «Ат-туҳфа...» каби асарлар оммалашмаганлиги сабабли ҳам бўлса керакки, морфология соҳасидаги тадқиқотлар чинакам илмийлик тусини олмаган.

Шундай бўлса-да, алоҳида таъкидлаш керакки, А.Фитрат ҳозирги кунда **концепт** термини воситасида ифодаланаётган «тушунча»га берилаётган изоҳ тарзида сўзга муносабат билдиради. Яъни А.Нурмонов кўрсатишича, у «объектив оламдан унинг умумлашган образининг онда акс этиши ва бу умумлашган образнинг муайян моддий восита-товушлар силсиласи ёрдамида ифодаланиши нуқтаи назаридан ёндашади». Фитрат сўз ва қўшимчалар ўртасидаги фарқни ажратишга ҳаракат қилади, сўзга таъриф беради, уларни семантик жиҳатига кўра турларга бирлаштиради. Шу тарзда от, сифат, сон, феъл, олмош, кўмакчиларнинг энг муҳим хусусиятларини белгилаб, таҳлил қилиб беради. Кўринадики, Фитратнинг «Сарф» асари ўзбек тилининг илмий морфологиясини яратишдаги илк қадам эди.

XX асрнинг 20-40-йилларида Ғози Олим Юнусов [24], М.Шамсиев ва А.Щербек[16], Ҳ.Қаюмий ва С.Долимов[5], О.Усмон ва Б.Азизов[21] ҳамда Е.Д.Поливанов[10] каби олимлар томонидан тилшуносликнинг грамматикаси таҳлил қилинди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Қаюм Рамазон 1913 йилда Мунаввар қори Абдурашидов ва Шорасул Зуннун билан ҳамкорликда «Тил сабоқлари» дарслигини яратган. Унинг дарсликни ёзишдаги иштироки ҳақида адабиётшунос Ш.Зуннуннинг хотираси Б.Ўринбоев томонидан келтириб ўтилган: «Тил сабоқлари» китобининг вужудга келишида ҳам сўз тузилиши, таркиби-морфология ва товушлар таркибидек оғир бўлимларни Қаюмжон ёзган»[20.Б.124]. Бу дарслик 20-40-йилларда яратилган ўзбек тили морфологиясига оид ишлар учун манба вазифасини ўтаган.

Илмий морфологиянинг шаклланиш тарихи борасида махсус ишларда [14.Б.25-56; 27.Б.25-31] анчагина кенг маълумот берилганлигини назарда тутган ҳолда, биз, бу ўринда ҳолатни кенг шарҳлашни ўзимизга мақсад қилиб олмадик. Ўзбек тили илмий морфологиясининг шаклланишида С.Усмоновнинг хизматлари ҳам беқиёс. Олимнинг «Ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши» китоби бу борадаги жиддий тадқиқотлар сирасига киради.

1976 йилда нашр этилган “Ўзбек тили грамматикаси” китобида тилшунослик фанининг бир қисми сифатида ўрганилиб, у тилнинг грамматик қурилишини текшириши айтиб ўтилган. Чунки у сўз ва гапнинг ҳар бир тилдаги формал-грамматик томонларини - сўзнинг шакл ўзгаришларини, сўз қўшишининг, сўз бирикмаларининг турли кўринишларини, воситаларини ва гапнинг тузилишини, типларини каби муаммоларни ўрганади. Лекин грамматика термини тилнинг грамматик қурилиши маъносида ҳам қўлланиб, бу термин кейинги маънода ишлатилганда, грамматика фанининг текшириш объектини ифода қилади. Тил хусусиятлари унинг фонетик, лексик ва грамматик тузилишида акс этиб, ҳаммаси бир бутун системани ҳосил қилади, демак, тилнинг грамматик қурилиши унинг фонетик қурилиши билан ва лексик системаси билан боғлиқдир: тилнинг ўзаро боғланган бўлақларнинг яхлитлигидан иборат бўлиши грамматиканинг фонетика ва лексикология билан алоқада эканлигини тилимиздаги сўзлар орқали англанади. Бундан келиб чиқадики, тилнинг ҳамма томонлари ўзаро боғланган, ўзаро шартланган бўлиб, грамматик қурилиш тил системасининг бир қисми эканлиги сезилиб туради. Умуман олганда, грамматика сўзларни шакллантиради, бириктиради, уларнинг фикр аниқлаш воситаси системасидаги вазифасини намоён қилиб кўрсатади.

Демак, ҳар бир тилнинг грамматик қурилиши маълум нормаларга, қонун-қоидаларга эгадир. Чунончи, ўзбек тилида: сифатловчининг сифатланмишдан олдин келиши, бунда инверсиянинг бўлмаслиги, қаратқич ва қаралмиш дистант ҳолатда бўлганда, одатдаги бўлақнинг аниқланмишга қарашли бўлиши, эргаш гапнинг, кўпинча, бош гапдан ёки бош гапдаги ҳоким элементдан аввал келиши, қаратқич ва қаралмишнинг шахс жиҳатидан мослашиши кабиларни мисол сифатида келтириш мумкин. Ёки тил орқали фикрлашишда, алоқа-аралашув ҳодисасида, нутқда, тил материалларидан шу қонун-қоидалар асосида фойдаланилади, бу билан тилнинг реализация, тилдан фойдаланишнинг аниқ

кўринишлари, нутқ ҳосил бўлиши шубҳасиздир. Чунки тилдан фойдаланиш аниқ қоидалар, нормалар асосида бўлиб, бу тил тузилишининг ўзида бор, грамматикада шулар, қоидалар, маълум тартибда баён қилинади. Масалан, *Мен бордим. Бола югурди. Қиз куйлади. Бедана сайради. Фильм бошланди* каби гапларнинг ҳаммаси бир ягона қоида - модель асосида тузилган гаплар сифатида қаралади.

Тилшунослик нуқтаи назаридан, кўпгина тилларнинг грамматик қурилишида ўхшашликлар борлигини кўрамыз, лекин, иккинчи томондан, бир оиллага кирадиган тилларнинг орасида ҳам маълум фарқлар мавжуд. Бунда ўхшашлик нисбатан синтаксисда сезилади, фарқланиш, ноўхшашлик эса сўз шаклларида кучли ҳисобланади.

Грамматика тилнинг грамматик қурилишига хос бўлган қонун-қоидаларни, нормаларни тасвирлайди, унинг турли хусусиятларини текширади. Мисол учун ўзбек тилининг грамматик қурилишига доир айрим ҳодисаларни эслаб ўтамиз: эганинг бош келишида бўлиши, шахс жиҳатидан мосланиш (*мен бораман, сен борасан* каби), сўзларнинг бирикишидаги ички мослик (маънонинг бир-бирига тўғри келиши, бундай мослик, умуман, ҳамма тилларда бўлади: тафаккур қонунлари интернационал характерга эга) – мувофиқлик. Масалан, *-инқира* аффиксини олган сўз ҳаракатнинг юзага келишидаги «кучсизлик, камлик, нормадан пастлик» маъносини билдиради, шунга кўра бу сўз семантик жиҳатдан мос равишда «сал», «бир оз» сўзлари билан бирика олади (*ранги сал оқаринқиради* каби), *-роқ* аффиксини олган сўз ҳам шундай (*сал оқарганроқ* каби), булар «жуда» типдаги кучайтирувчи элемент билан қўшила олмайди, чунки ички томони, мазмун тўғри келмайди, мослашмайди.

“Ўзбек тили грамматика”си китобининг 54-55-бетларида тилнинг грамматик қурилиш меъёрлари, тилнинг лексик ва фонетик системаларида бўлганидек, тил тараққиётининг турли даврларига кўра ўзгариб, фарқланиб туриши асосланган. Масалан, 1. Навоий даври ўзбек тилида, эски ўзбек тилида, *-роқ* аффиксининг (юмшоқ вариантда ҳам) асосий хусусияти чоғиштириш билан боғланган қиёс-ортиқлик маъносини англатиш бўлган (...*барчадин яхшироқдир ҳаёт гули*. Навоий), ҳозирги замон ўзбек тилида бу аффикс камликни, белгининг нормадан кучсизлигини билдириш билан характерланади (*ундан яхши*: белгининг одатдаги, қиёсдаги, нисбий ортиқлиги, *яхшироқ*: сал яхши - ортиқликнинг ўзи одатдагидан, нормадан кучсиз: «Незначительно» маъноси). 2. Кесим мажхул формадаги феъл билан ифодаланган бўлса, шу



гапнинг эгаси логик объектни (ўша феъл кесимдан англашилган ҳаракатнинг объектини) билдирадиган сўз билан ифодаланиб, логик субъект, одатда, ифодаланмайди. Логик субъектни ифодалаш зарур бўлган ўринларда гапнинг конструкцияси пассивдан активга ўтади. Ҳозирги замон ўзбек тилида логик субъектни гапнинг пассив конструкциясини ўзгартмай туриб ҳам ифодалашнинг бир неча хил йўллари мавжуд. Бу ҳодиса гап структурасининг тараққиётидаги кўринишлардан биридир. 3. Эски ўзбек тилида *-гу* (фонетик вариантлари билан) аффикси ёрдами билан ясалган иш отига *-м*, *-нг* каби аффиксларнинг қўшилиб, шу сўзнинг кесим эканлигини кўрсатиш ҳодисаси ҳам учрайди. *Мен кўргум* типиди. Гапнинг бундай конструкциясида *-м*, *-нг* каби аффикслар предикативлик кўрсаткичи функциясида келади (демак, эгалик аффикслари билан тусловчи аффикслар генетик жиҳатдан алоқадор). Бу ҳол ҳозирги замон ўзбек тилининг грамматик нормалари доирасига кирмайди. *Кўргим келди*, *кўргинг келди* типидидаги жамланмалар бундан бошқача тарзидадир[17.Б.54-55].

Демак, йиллар давомида тилнинг тузилишида бўладиган ўзгаришлар синтаксисда ҳам, морфологияда ҳам учраши табиий жараён ҳисобланиб, гап тузилишининг - унинг у типлари тил тараққиётидаги даврларга нисбатан ҳар хил тусга кира олиши «тил тарихи гапнинг бир қанча таърифни бериши керак» деган фикрни тасдиқлайди ва масалани мисоллар орқали асослаб берган[17.Б.55].

Тилдаги ўзгаришлар жамият тараққиётининг объектив қонунлари асосида, талаб натижасида рўёбга чиқади. Чунки ҳодисаларни, шу билан боғлиқ ҳолда, ҳозирги тилнинг тузилишини, нормаларини, қонун-қоидаларини тасвирлаш тил фактларига тарихий ёндашиш билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Бундай ёндашиш тил ҳодисаларининг «туғилиши ва тадрижий тараққиётини кузатиш билан она тилининг материал ва формасининг аниқ, тушунарли ва равшан бўлишига», ҳодисалар орасидаги «тарихий алоқаларни аниқлашга» эришиш имконини бериши ва бу текшириш тилдаги янги ҳодисаларни, тараққиётни аниқлаб беради деб таъкидлайди[17.Б.56].

Тилнинг ҳар бир ҳодисаси унинг товуш томони билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир грамматик ҳодисанинг товуш билан ифодаланиши грамматиканинг фонетика билан муносабатини кўрсатади: а) гапнинг характерли белгиларидан бири унинг интонацион тугалликка эга бўлиши; б) синтагмалардаги ва сўз бирикмаларидаги логик-грамматик бутунлик шу ҳодисага хос интонацион

бутунликдан ҳам билиниб туради; в) лексик урғу сўзга фонетик бутунлик беради; гапда, сўз бирикмаларида пауза ўрнининг ўзгариши фикрий-грамматик ҳолатнинг ўзгалигидан дарак беради; сўзларда лексик урғунинг бошқа-бошқа бўғинга тушиши орқали айрим ҳолларда, маълум шароитларда, сўзнинг маъноси, қайси лексик-грамматик категорияга кириши ва составидаги морфемаларнинг типи дифференциация қилинади. Масалан, *йигитча*: урғуси охирги бўғинда бўлганда - от, бундаги *-ча* аффикси кичрайтиш маъносини билдиради: *йигитча*: *эр етмаган шахс*: бу сўзнинг урғуси бош бўғинда бўлганда - равиш, бундаги урғусиз *-ча* қўшимчаси ўхшатиш маъносини билдиради. *Йигитча*: *йигитдек*, *йигит* каби. Демак, бу ўринда лексик урғу орқали от билан равиш фарқланган ва бошқалар.

Тилдаги ҳар бир сўз унинг лексик бирлиги ҳисобланиб, сўзнинг морфологик ва синтактик хусусиятлари ҳақидаги таълимот грамматиканинг асоси деб юритилади. Чунки бу сўзнинг лексик-грамматик хусусиятлари, ўхшашликлари от, феъл каби группаларнинг ажратилишига асос бўлиб хизмат қилади. Яна бир ҳодиса сўз нутқда бошқа сўз билан алоқага киришиб, грамматик жиҳатдан шаклланган бўлади, бирикишда маълум формага киради, сўз қўшилмаларининг, тил ва сўз бирикмаларининг материали сўзлар эканлиги тилшунос олимларимиз томонидан йиллар давомида уктириб келинмоқда. Ваҳоланки, бу ҳодисалар тилнинг грамматик қурилишининг лексика билан бўлган муносабатини билдирса, лексика ва грамматиканинг объектлари жуда яқин, ўзаро зич муносабат туриши тил меъёрларида белгилаб берилган. Демак, сўз лексикологияда текширилишига қарамай, у маълум томонлари билан грамматикага ҳам алоқадордир, сўз умуман тилнинг бирлиги сифатида баҳоланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбек тили грамматикаси сўз ўзгартириш ва сўз қўшиш-бириктириш қоидаларининг йиғиндиси бўлиб, у сўзнинг формаларини, сўз категорияларини, сўз бирикмаси ва гап ҳосил қилишдаги хусусиятларни текширади. Грамматиканинг асосини сўз туркумлари ва гап ҳақидаги таълимот ташкил қилиб, икки қисмдан - морфология ва синтаксисдан иборат эканлигини доим кўрсатиб туради.

Демак, морфологиянинг объекти сўзнинг грамматик томонидир: у сўзни тилнинг грамматик системаси нуктаи назаридан текширади: сўзнинг морфологик структураси - морфемалари, морфологик категориялар, сўзнинг формалар системаси, сўз формаларининг ҳосил бўлиш йўллари, воситалари,

сўзларнинг лексик-грамматик категорияларда ўз аксини топади. Морфологиянинг асоси кенг маънода шакл яшадир, грамматик томонидан демак, морфология сўз ҳақидаги грамматик таълимотдир. Фонетиканинг асосини эса унли-ундош, жарангли-жарангсиз каби фонетик оппозициялар ташкил қилганидек, морфологиянинг асоси бир-бирига зид, лекин ўзаро боғланган, шартланган грамматик оппозициялардан ташкил топади.

Умуман олганда, морфология ва синтаксис бир-бири билан узвий боғлиқдир: тилнинг грамматик қурилиши яхлит система бўлиб, у морфология ва синтактик ҳодисалардан, уларнинг қисмлари ўзаро муносабатда бўлган бир бутунлик, ягона система ҳосил қилишидан иборат эканлигини кўрсатиб туради. Масалан, сўзлар ўзаро боғланиш талаби билан, демак, синтактик хусусият натижасида, турли формаларда қўллана олади: *мактабнинг биноси, мактабга бормоқ, мактабдан келмоқ* каби. Бундай шакл ўзгариши бутун бир система бўлиб, сўзнинг ҳар бир аниқ шакли шу системанинг бир кўриниши сифатида баҳоланади.

Грамматикада бу икки бўлимининг яқин муносабати жуда кўп ҳодисаларда сезилиб туради: а) уларнинг объектлари яқин ва алоқадор; б) сўзларнинг грамматик категориялари, сўз туркумлари билан гап бўлаклари орасида боғланиш бор, гап ва сўзнинг алоқаси синтаксис билан морфологиянинг алоқасини кўрсатади; в) гапда сўзларнинг боғланиш усуллари ва боғловчи шакллари сўзнинг формал, морфологик ўзгариши билан боғлиқ; г) сўзнинг формаси (синтактик форма) унинг бошқа сўз билан бирикишидан дарак беради, шу бирикишнинг характерини кўрсатади: сўз ўзгартувчи аффиксларнинг функцияси синтактик, кўмакчи ва боғловчиларда ҳам худди шу ҳолдир; д) сўзнинг форма ўзгартиши билан синтактик функцияси ўзаро боғлиқ; е) айрим сўз қўшилмалари сўз формасини кўрсатишга хизмат қилади; ё) модал сўзлар синтаксис билан аниқса зич боғланган; ж) сўзларни от, феъл каби группаларга ажратишнинг бир асоси уларнинг синтактик белгисидир; з) сўзнинг номинатив функцияси билан тилнинг коммуникатив функциялари узвий боғлиқ каби жиҳатларини кўришимиз мумкин.

Хуллас, морфологиянинг сўз ҳақидаги грамматик таълимот сифатида таърифланиши унинг текшириш объектлари доирасига сўзларнинг лексик-грамматик категорияларга бўлинишини - сўзларнинг туркумланишини ҳам киритишга имкон беради. Сўзларнинг туркумланишида грамматик белгиларнинг асослиги ўша группаларнинг хусусиятларидан аниқ сезилиб

туради. Яъни, морфологияни тор маънода олиб, уни сўз формалари системаси - парадигматика ҳақидаги илм деб қарасак, бу соҳани чегараланганлигидан далолат беради.

1966 йилда нашр этилган Ҳозирги ўзбек тили (фонетика, лексикология, морфология) китобида сўз туркумларини ажратиш бўйича назарий маълумотлар таҳлил этилган. Бунда дастлаб “мустақил ва ёрдамчи сўзлар тўдаси” [23.Б.195] деб берилган бўлиб, бундан ташқари алоҳида тўдани ташкил этувчи ундов-мимемалар, тасвирий ва модал сўзларга ажратган ҳолда ўрганганлигига гувоҳ бўламиз. От сўз туркуми туркумлар ичида энг кўп учраши, сифат, сон, феъл сўз туркумларидан грамматик категориялари ҳамда гапда бажарадиган синтактик вазифалари тўғрисида сўз боради. Феъллардаги шахс-сон, бўлишли-бўлишсиз, замон, майл категорияларини энг муҳим санаб, даража тарз, ўтимли-ўтимсиз, шахслилик-шахссизлик каби категориялари ҳам борлигини таъкидлаган. Равиш сўз туркумини эса, сифатларга хос белги билдириши, сифатлар каби турловчи ва тусловчи кўшимчаларни қабул қилмаслиги, ўзгармаслиги, ўзлари боғланган сўз билан мослашмаслик ва уларни бошқармаслиги таҳлил этилган.

Сўзловчининг фикрига турлича муносабат билдирувчи модал сўзларини, гапда от ёки олмошдан кейин келувчи кўмакчи, гап ва сўзларни боғловчи ёрдамчилар, кўшимча маъно берувчи юкломаларни аффикс ва сўз шакли ёрдамида ифодаланишини илмий асослаган. Ундов сўзларни эса ҳис-ҳаяжон ва буйруқ хитоб тарзида бериб ўтган. Таклид сўзлар деб номланувчи туркумни “Тасвирий сўз номи остида таклид қилиш, нур ва ҳаракатлари тасвирлаш каби турларга бўлиб ўрганган. Яна бир ҳолатни, сўзларнинг туркумдан туркумга кўчишини нутқ эҳтиёжи туфайли юзага келган деб таъкидлайди.

1975 йилда нашр этилган У.Турсунов Ж.Мухторов. Ш.Раҳматуллаевларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” номли қўлланмасида эса сўзининг маъно ва грамматик белгиларига қараб группаларга бўлиниши назарда тутилган бўлиб, туркумларни бешта гуруҳга: 1) мустақил сўзлар; 2) ёрдамчи сўзлар; 3) модал сўзлар; 4) ундов сўзлар; 5) таклид сўз каби турларни келтиради. Мустақил сўзларни лексик маъно англаши, гап бўлаги вазифасида келиши ва сўз яшаш, форма яшаш, сўз ўзгартириш хусусиятларга эгаллиги асосий белгилари саналишини таъкидлаган.

Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова, А.Ҳожиёв, И.Расулов, Х.Дониёровлар томонидан нашр этилган. Ҳозирги ўзбек арабий тили дарслигида сўз

туркумларни 12 турга бўлиб мустақил сўзларни - от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш; ёрдамчи сўзларни – кўмакчи, боғловчи, юклама; бундан ташқари модал сўзлар, ундов ва тақлид сўзлар тарзида ўрганганлигини кўрамиз. Лекин ўзбек тили грамматикасининг практикуми[18;26] китобида эса сўз туркумларни тўртта катта группага, туркумга ажратган:

1. Мустақил сўзлар – от, сифат, сон, олмош, равиш.
2. Ёрдамчи сўзлар – кўмакчи, боғловчи, юклама.
3. Ундов ва тақлид сўзлар.
4. Модал сўзлар.

Сўзлар ўзларининг морфологик белгилари ва гапдаги синтактик вазифасига кўра ҳам ўзаро ажралиб туриш айтиб ўтилган бўлиб, предмет тушунчасини ифодаладиган сўзлар – отлар, келишик, эгалик, сон категориялари бўлса, ҳаракат ёки ҳолат ифодалаган сўзлар ўтимли-ўтимсизлик, майл, замон, шахс-сон каби категорияларга эга бўлиши кўрсатилган. Бошқа сўзлар эса бундай хусусиятга эга эмас деб берилган.

А.Содиқов, А.Абдуазизов, М.Ирискуловларнинг 1981 йилда чоп этилган “Тилшунослик кириш” дарслигида сўз туркумларни бошқа тиллар – инглиз, немис ва француз тиллари билан қиёслаган ҳолда ўрганишга, моҳиятига янада чуқурроқ эътибор беришга қаратилган.

Бунда сўз туркумларни ажратишнинг учта қонунияти борлигини таъкидлайди:

1. Сўз туркумларининг категориал белгилари.
2. Сўзларни туркумларга ажратиш принциплари.
3. Турли тиллар сўз туркумлари.

Инсон кўрган, эшитган ва ҳис қилган нарсаларнинг ҳаммасини турлари гуруҳларга ажратишга одатланган. Қиёслаш инсон тажрибасига асосланган асосий методдир. Лекин гуруҳларга ажратишини асосий шартларидан бири ажратилган нарса ёки предмет камида иккита бўлиши лозим. Демак, нарса, предмет ва ҳодисаларни туркумларни ажратиш учун маълум ўлчовлар, шартлар, мезонларга асосланиш керак. Олимлар ҳам сўзларни туркумларга ажратиш учун асос бўладиган мезонлар, белгилар, асослари 3 турга бўлди:

1. Структурализмгача бўлган давр.
2. Структурализм даври.
3. Структурализмдан кейинги давр.

Тилшуносликда структурализм оқими пайдо бўлгандан сўнг 30-

йилларгача сўз туркумларни уч асосий белгиси орқали ажратган:

1. Сўзларнинг лексик маъноси.
2. Сўзларнинг морфология белгилари, яъни сўзнинг грамматик формаси.
3. Сўзларнинг гаптаги синтактик вазифаси.

Китобда келтирилишича, Чарльз Фриз инглиз тилида 4 та мустақил, 15 ёрдамчи сўз туркумлари мавжудлигини айтди.

Ўтган асрнинг ўртасида бирча тилларнинг сўз туркумларни ўрганган ҳолда, туркумларнинг категориал белгиларини ишлаб чиқди:

1. сўз туркумларнинг семантик белгиси;
2. сўз туркумларнинг морфологик белгиси;
3. сўз туркумларнинг синтактик белгиси;
4. сўз туркумларнинг сўз ясалиш белгиси.

Сўз туркумларнинг семантик белгиси деганда, уларнинг умумлашган маъноси (уй-яшаш учун мўлжалланган бино); морфологик белгиси - у ёки бу сўзга хос бўлган грамматик категориялар, мазкур сўзларнинг ўзига хос форма ясовчи, сўз ўзгартувчи аффиксал морфемалари; синтактик белгиси -сўзларнинг гапта бошқа сўзлар билан бирика олиш имконияти; сўз ясалиш белгилари деганда эса, у ёки бу сўз туркумга хос бўлган сўз ясовчи қўшимчалар тушунилади.

Сўз туркумларни дастлаб икки турга мустақил ва ёрдамчи сўзларга бўлди. Мустақил сўз маълум тушунча ифодалаб, бирор предмет, белги, ҳаракат номини атайди, гапта бирор гап бўлаги бўлиб келади. Ёрдамчи сўзлар туркуми тушунча ифода этмайди, фақат грамматик маъно ифодалаб гапта сўзларнинг ўзаро муносабатини ўрнатишга хизмат қилади. Демак, уларни функционал-грамматик белгилар фарқлаб туради. Ёрдамчи сўзларда морфемаларга яқинлик белгиси - функционал белгисидир.

1992 йилда нашр этилган Х.Абдурахмонов, А.Рафиев, Д.Шодмонкуловларнинг “Ўзбек тилининг амалий грамматикаси” китобида сўзларнинг бир умумий маънога, ўзига хос ясовчи, шакл ясовчи ва гап бир хил синтактик вазифаларни бажаришига мослашиши мустақил, ёрдамчи ҳамда бу икки турга кирмайдиган модал сўзлар, ундов сўзлар, тақлид сўзлардан иборат эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Профессор Ё.Тожиевнинг 1992 йилда нашр этилган “Ўзбек тили морфемикаси” номи ўқув қўлланмасида тилнинг грамматик қурилишини текширади, у сўз туркумларини, уларнинг конкрет маъноларини ва грамматик

тузилиши жиҳатидан ҳамда сўз туркумлари ва гапларни аниқ маълумотлари ва грамматик тузилиши жиҳатидан текшириши деб икки қисмга бўлади[13;25.Б.50-64].

Тилшунослик тилининг грамматик системаси ҳар доим сўзни бошқа сўзга муносабати нуқтаи назаридан текширилиши, яъни бир қисми предмет тушунчасини ифодаласа, бир қисми белги, яна ҳаракат, миқдор ва бошқа тушунчаларни ифодалашни айтилган. Яна сўзларни бошқа сўзлар билан муносабатга киришиш ҳолати, яъни сўз туркумларни, уларнинг аниқ ҳолатдаги семантик-грамматик хусусиятларига қараб баҳо бериш таъкидланади.

Грамматик тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида қаралаётган тилнинг сўз ясалиш системаси билан ҳам зич боғланганлигини айтади. Бу боғланиш аффиксация ва композиция усулида сўз ясалиши, сўзларнинг қисқариши, ўзгариши, улар компонентлар орасида синтактик алоқанинг йўқолиши (тил билмас, муштумзўр, кирювди) ҳамда ясама сўз қисмларининг орасидаги муносабатнинг сезилмай қолиши каби ҳолатлари зич боғланишлар сирасига киритиб ўтган.

## ХУЛОСА

Антик даврдан то ҳозирги кунга қадар сўз туркумлари юзасида турли хил қарашлар мавжуд бўлганлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, Аристотель асарларида, Александр мактаби вакиллариининг қарашларида ҳамда рус тилшунсларидан М.В.Ломоносов ва шу олим қаторида Ф.И.Буслаев, Л.Л.Буланин каби тадқиқотчиларнинг сўз туркумлари бўйича дастлабки қарашларини, ўзбек тилининг илмий назариясига асос солган мутафаккирларимиз Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоийнинг илмий хулосаларини ҳам кўриб ўтдик.

Мақоланинг асосий қисми ўзбек тилшуносларининг сўз туркумлар бўйича олиб борган тадқиқотларига қаратилган бўлиб, ўтган асрда ҳамда бугунги кунда тилшуносликнинг маълум бир сатҳларига ҳисса қўшаётган олимларнинг қарашларини келтириб ўтдик. Жумладан, ўзбек илмий тилшунослигига асос солган жадиждларимизда Абдурауф Фитрат томонидан ўзбек тилнинг “грамматик” қисмига қўйилган қадамларини унинг қолдирган меъроси орқали таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Кейинги йилларда самарали ижод қилган тилшуносларимиз С.Муталибов, Ғози Олим Юнусов, М.Шамсиев, А.Щербек, Ҳ.Қаюмий, С.Долимов, О.Усмонов, Б.Азизов ҳамда

Е.Д.Поливановларнинг сўз туркумлари бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари бугунги замонавий тилшуносликнинг асоси бўлиб хизмат қилаётганлигига шохид бўлиб турибмиз. Бироқ келажак авлодга ўзбек замонавий тилшунослигини ўзгача тарзда талқин қилиш масаласига ойдинлик киритиш ҳамда систем-структур тилшуносликни мукамал ўргатиш мақсадида 1966 йилда нашр этилган Ҳозирги ўзбек тили (фонетика, лексикология, морфология) китоби, 1975 йилда нашр этилган У.Турсунов Ж.Мухторов. Ш.Раҳматуллаевларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” номли қўлланмаси, Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова, А.Хожиев, И.Расулов, Х.Дониёровлар томонидан нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили дарслиги, А.Содиқов, А.Абдуазизов, М.Ирисқуловларнинг 1981 йилда чоп этилган “Тилшунослик кириш” дарслиги, 1992 йилда нашр этилган Х.Абдурахмонов, А.Рафиев, Д.Шодмонқуловларнинг “Ўзбек тилининг амалий грамматикаси” китоби, Профессор Ё.Тожиевнинг 1992 йилда нашр этилган “Ўзбек тили морфемикаси” номи ўқув қўлланмаларини таҳлилга тортиш асосий вазифа эканлиги кўриб ўтдик.

## REFERENCES

1. Алишер Навоий. Асарлар. – Тошкент, 1964. 14–жилд. – Б.116–117.
2. Аристотель. Поэтика, адабиёт ва санъат нашриёти. – Тошкент, 1980. – Б. 3–149; 39–47.
3. Буланин Л.Л. Трудные вопросы морфологии. – Москва: Просвещение, 1936. –С.8.
4. Дониёров Х, Санақулов У. Алишер Навоий тилшунос олим. – Тошкент, 1990. – Б.14–41.
5. Қаяумий Х., Долимов С. Грамматика //«Сарф» ва «Наҳв» . – Тошкент, 1933–1934.
6. Қурбонова М.М. Абдурауф Фитрат ва ўзбек тилшунослиги. –Тошкент, 1997. –Б.4-41.
7. Қурбонова М.М. Фитрат–тилшунос. –Тошкент, 1996. –Б.3-28.
8. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғатит турк. – Тошкент, 1960–1963. II жилд. – Б. 41–71.
9. Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Қатортол–Камолот, 2000. – Б.48.
10. Поливанов Е.Д. Краткая грамматика узбекского языка» – Москва, 1926.



11. Соцэкгиз М. Античные теории языка и стиля // Цитата: Л.Л.Буланиннинг «Трудные вопросы морфологии», «Просвещение». – Москва, 1936. –С. 8.
12. Терентьев М.А.Грамматика турецкая, персидская, киргизская и узбекская. СПб, 1876; Беляев И.А. Руководство к изучению сартовского языка. 1906 № 1–4.
13. Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
14. Тожиев Ё. Ўзбек тили морфологияси тадқиқи тарихидан. Замонавий ўзбек тили. Морфология. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – Б. 25–56.
15. Тўйчибоев Б. Фитрат–тилшунос. –Тошкент, 1995. – Б.24-26.
16. Шамсиев М., Щербек. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент, 1932.
17. Ўзбек тили грамматикаси.Тошкент: Фан, 1976.-Б.54-55
18. Ўзбек тили грамматикасининг практикуми. Тошкент: Ўқитувчи, 1981.
19. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент, 2000. №1. – Б. 148–159.
20. Ўринбоев Б., Қурбонов Т. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Самарқанд, 2006. – Б.61–63.
21. Усмон О., Азизов Б. Грамматика //Морфология ва синтаксис. – Тошкент, 1938.
22. Фозилов Э., Зияева М.Т. Изысканный дар тюркскому языку. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.3–450.
23. Ҳозирги ўзбек тили. –Тошкент: Фан, 1966. –Б.195.
24. Юнусов Ғози Олим. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент, 1936.
25. Sharipov F.G. Attitude to the plural affix in Uzbek language // Buxoro davlat universiteti Ilmiy axboroti. –Бухоро. 2021. №1. –Б.50-64.
26. Sharipov F.G., Sharipov T.F. O'zbek tilshunosligida morfonologoyaga doir talqinlar // Academic research in educational sciences. –Toshkent, 2021. №2/2.
27. Sharipov F.G., Sharipov J.G. The Initial period of formation of the Uzbek scientific linguistics // Guliston davlat universiteti axborotnomasi. –Guliston, 2020. №4. –Б. 25-31.